

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

3-2020

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Т.Бакиров

Комплекс сонлар: мактаб ва олий ўқув юртида..... 6

КИМЁ

Ф.Умуров, М.Амонова, М.Амонов

Флокулянт ва адсорбентлар ёрдамида оқова сувларни тозалаш жараёнини ўрганиш 13

С.Хушвақтов, М.Жураев, Д.Бекчанов, М. Мухамедиев

Поливинилхлорид асосидаги азот ва олтингургурт тутган поликомплексонга кобальт (II) ва хром (III) ионларининг сорбцияси..... 19

А.М.Хурмаматов, О.Т.Маллабаев, О.К.Ергашев

Нефтни қайта ишлаш корхоналарида фойдаланиладиган техник сувнинг қаттиқлигини пасайтириш ва юмшатиш бўйича тадқиқот натижалари 27

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

О.И.Абдуғаниев, Б.А.Ўринова

Муҳофаза этиладиган табиий ҳудудлар тизими ва барқарор ривожлантириш стратегияси..... 34

Ижтимоий-гуманитар фанлар

ИҚТИСОДИЁТ

А.Абдуллаев, К.Курпаяниди

Рақамли иқтисодиётда бизнес юритиш хусусиятлари 39

С. Исмоилова

Маҳаллий бюджетлар маблағларидан самарали фойдаланишни таъминлаш йўл-йўриқлари 44

ФАЛСАФА, СИЁСАТ

М.Тошбекова

Глобаллашув шароитида мафкуравий тўқнашув ва унинг оқибатлари 50

А. Юлдашев

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат бошқарув академиясининг фаолиятини ривожлантириш хусусида 57

Д.Тошалиев

Рост мақомидан сарахбори рост шуъбасининг таҳлилий масаласига доир 63

ТАРИХ

М.Х. Исамиддинов, З.О. Раҳманов

Саразм ва Фарғона: ўзаро таъсир ва алоқалар 68

Х.Эшов

Маънавий таҳдидларга қарши кураш тушунчасининг генезиси ва эволюцияси 75

Р.Арслонзода, Х.Мамуров

Совет ҳокимияти оппонентларининг эсдаликлари тарихий манба (Ўзбекистон материаллари) асосида 82

У.Халмуминов

“Насабнома”ларда илк ўрта асрлар Фарғона тарихининг акс этиши 86

Н.Ҳамаев

Мухториятнинг тугатилиши ва истиқлолчилик ҳаракатининг бошланиши жадид матбуоти кўзгусида 91

D.Ismoilova, M.Khaitova

XIX охири - XX аср бошларида Ислон динининг Туркистон ижтимоий-сиёсий, маънавий ҳаётидаги ўрни ва ролининг тарихшунослиги ва манбашунослиги..... 97

УДК: 502.3(571.1.)

**МУҲОФАЗА ЭТИЛАДИГАН ТАБИИЙ ХУДУДЛАР ТИЗИМИ ВА БАРҚАРОР
РИВОЖЛАНТИРИШ СТРАТЕГИЯСИ****СИСТЕМА ОХРАНЯЕМЫХ ПРИРОДНЫХ ТЕРРИТОРИЙ И СТРАТЕГИЯ УСТОЙЧИВОГО
РАЗВИТИЯ****SUSTAINABLE DEVELOPMENT STRATEGY AND SYSTEMS FOR PROTECTED
NATURAL AREAS****О.Абдуғаниев¹, Б.Ўринова²****¹ О.Абдуғаниев**

ФарДУ география кафедраси доценти, г.ф.н.

² Б.Ўринова

Фарғона шаҳар 27-ўрта мактаб ўқитувчиси.

Аннотация

Мақолада муҳофаза этиладиган табиий ҳудуд (МЭТХ)лар тизимининг барқарор ривожланиш стратегиясидаги ўрни ва моҳияти таҳлил қилинган. Шунингдек, МЭТХлар биологик ва ландшафт хилма-хиллигини сақлаш ҳамда минтақанинг экологик жиҳатдан барқарор ривожланишини таъминлаш учун ташкил этилиши асослаб берилган.

Аннотация

В статье раскрыты роль и значение системы охраняемых природных территорий (ОПТ) в стратегии устойчивого развития. Также обоснована необходимость создания ОПТ для сохранения биологического и ландшафтного разнообразия и обеспечения экологически устойчивого развития региона.

Annotation

The article reveals the role and importance of the system of protected natural areas (PA) in the strategy of sustainable development. It is also justified that protected areas should be organized to preserve biological and landscape diversity and ensure the environmentally sustainable development of the region.

Таянч сўз ва иборалар: барқарор ривожланиш, МЭТХ, экотизим, биологик ва ландшафт хилма-хиллиги, экологик хавфсизлик, экологик каркас.

Ключевые слова и выражения: устойчивое развитие, ОПТ, экосистема, биологическое и ландшафтное разнообразие, экологическая безопасность, экологический каркас.

Keys words and expressions: Sustainable development, protected areas, ecosystem, biological and landscape diversity, environmental safety, ecological framework.

Бутун дунё миқёсида «Катта тезлашув» атамасини олган сайёравий ўзгаришлар, кишилиқ жамиятига жуда кўплаб имконият ва афзалликлар яратиш билан бирга, табиат ва ундаги биологик хилма-хилликнинг хавотирли даражада тезлик билан йўқ бўлиб кетишига сабаб бўлмоқда. БМТ томонидан бир қатор конвенциялар, стратегик режа ва келишувлар қабул қилинганига қарамай, бу борада муваффақиятсизликлар кузатилмоқда. Шунинг учун биологик хилма-хилликни сақлаш бўйича қабул қилинган янги стратегик режани амалга ошириш орқали 2030 йилга келиб, экотизимлар деградацияси ва турларнинг қисқаришини тўхтата оладиган ижобий импульс яратилишига эътибор қаратилмоқда [1].

Бугунги кунда ижтимоий-иқтисодий ва сиёсий жиҳатдан жамият барча соҳаларининг ривожланишини экологизациялашсиз мумкин эмаслигини инсоният тушуниб етди. Чунки жамиятнинг барқарор ривожланишини таъминланганлик кўрсаткичи экологик муаммоларни ҳал этилганлик даражаси билан белгиланмоқда. Барқарор ривожланиш концепциясининг асосий талабларидан бири—инсониятнинг зарур даражадаги эҳтиёжларини таъминлаш учун экотизимларнинг барқарор фаолият юритишини сақлаб қолишдан иборат [2,29-56; 3,185; 4,21-33; 5, 90-96;]. Бу масаланинг ечими табиатдаги хилма-хилликни сақлаб қолиш ва экологик барқарорликни таъминлашга асос бўлувчи минтақанинг экологик каркаси тузилмасини яратиш билан боғлиқдир. Чунки МЭТХлар тизимини

БИОЛОГИЯ, ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ

такомиллаштириш орқали бир вақтнинг ўзида минтақада қулай экологик мувозанатни узоқ вақт сақлаб туриш ҳамда табиий ресурслардан оқилна фойдаланишга йўналтирилган хўжалик фаолиятини юритиш имконияти яратилади.

Швециянинг пойтахти - Стокгольмда 1972 йили атроф-муҳит муҳофазасига бағишланган конференцияда канадалик олим Морис Стронг иқтисодий жиҳатдан барқарор ривожланиш жамиятни экологиялаштириш билан боғлиқ эканлиги тўғрисида ўз хулосаларини баён этди ва «жамиятнинг экологик ривожини» тушунчасини киритди. Унга кўра, жамиятнинг фаровонлиги табиатни муҳофаза қилишга йўналтирилган ижтимоий-иқтисодий ёндашувларга боғлиқ бўлиб, атроф-муҳитнинг ёмонлашуви ва табиий тизимлар деградациясининг олдини олиши керак. Шунинг учун, «Global 2000» (1980) маърузасида илк бор биохилма-хиллик жаҳон экотизимининг асоси бўлиб, унинг қисқариши инсониятни ҳалокатга олиб келиши илмий жиҳатдан асослаб берилди [6]. БМТнинг Бутунжаҳон атроф-муҳит ва ривожланиш Комиссияси томонидан 1987 йилда тақдим этилган «Бизнинг умумий келажагимиз» номли ҳисоботида ҳам минтақалардаги барқарор ривожланишни таъминлашнинг энг муҳим йўналишларидан бири - МЭТХлар тизимини ташкил этиш белгилаб қўйилган [3, 5].

Юқорида келтирилган талаблар асосида халқаро ташкилотлар томонидан МЭТХлар тизимини ташкил этишнинг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий механизмлари такомиллаштириб келинмоқда. МЭТХлар тизимини режалаштириш бўйича дастлабки ишлар ХХ асрнинг 70-йилларида Эстония, Дания, Германия, Голландия ва Чехословакияда амалга оширилган. МЭТХлар тизими Европа қитъаси аҳамиятига молик бўлган ландшафтлар, биологик турлар ва уларнинг яшаш жойларини сақлаб қолишга имкон берадиган табиатни муҳофаза қилишнинг энг қулай шакли сифатида баҳоланган [3,5; 7-23]. Бу борада дастлаб «Турлар ва ландшафтлар хилма-хиллигини сақлаш бўйича Пан-Европа стратегияси» (1993) доирасида жаҳонда биринчи экологик тармоқларни ташкил этиш лойиҳаси эълон қилинган. Унда биосферанинг барқарор

ҳолати ва инсон ҳаёти учун қулай табиий муҳитни таъминлаш учун МЭТХларнинг ҳудудий жиҳатдан бир-бири билан ўзаро боғланган яхлит экологик инфратузилмани ҳосил қилиши шарт эканлиги белгилаб қўйилган.


Дунё бўйича МЭТХлар тизимини ривожлантиришдаги энг муҳим ҳужжатлардан бири Дурбан Аккорди ва Ҳаракат Режаси (2004) ҳисобланади. Унда БЛХни сақлаб қолиш ва туризмни ривожлантириш бўйича янги парадигма белгилаб берилган. Мазкур ҳужжатга мувофиқ, МЭТХлар ва БХ бир бутунликда инсоният меросининг элементларидан бири сифатида баҳоланган. Чунки, МЭТХлар тизими инсониятнинг ўсиб бораётган эҳтиёжларини қондиришда сайёрамизнинг ресурс имкониятини сақлаб туриши ва қайта тикланишини таъминлаши орқали глобал ижтимоий, иқтисодий ва экологик муаммоларни ҳал қилишда ўз самарасини кўрсатмоқда [8,272].

Табиий ҳудудларнинг чекланганлиги сабабли МЭТХларни ташкил қилиш бўйича турли мезонлар тавсия қилинган. Бунда, 1992 йилда Рио-де-Жанейрода қабул қилинган Барқарор ривожланиш дастурида белгиланган «Барқарор ривожланиш учун таянч ҳудудлар»ни ажратиш тамойили асос сифатида олинади. Шунингдек, Бутунжаҳон Ёввойи табиат фонди «Global 200» рўйхатига киритилган экорегионларда дунё миқёсида биологик хилма-хилликни сақлаб қолиш учун МЭТХлар тизимининг репрезентативлигини таъминлаш бўйича тавсиялар ишлаб чиқилган [9].

БМТ томонидан 2015 йил 25 сентябрда «Дунёни ўзгартириш: 2030 йил давригача барқарор ривожланиш соҳасида Кун тартиби» Резолюцияси қабул қилинди ва унда 17 та мақсад ва 169 та вазифа белгилаб қўйилган бўлиб, белгиланган вазифаларнинг ечими Айти стратегик режасини амалга ошириш билан боғлиқ бўлиб қолмоқда. Лекин, 2010-2020 йилларга мўлжалланган Айти стратегик режасида белгиланган мақсад ва вазифалар барча мамлакатларда бирдай амалга оширилмади. Шунинг учун, БХ тўғрисидаги Конвенцияга аъзо мамлакатларнинг 14-йўғилишида 2050 йилгача бўлган давр учун янги стратегик режа қубул қилинди.

Г.М.Масе ва бошқ. (2018) фикрича, мазкур режа 2030 йилга келиб янада улкан мақсадларни амалга оширишни, яъни БЛХнинг қисқаришини тўхтатишни талаб

этади. БЛХ қисқаришининг ҳозирги (2015 йилгача бўлган) тенденцияси 1-чизмада қора чизиқда берилган.




1-чизма. Биологик хилма-хиллик: пасайиш, барқарорлик ва тикланишга эришиш [10].

Кўрилган чора-тадбирлар натижасида БЛХнинг куйидагича ўзгариши башорат қилинмоқда: нуқтали чизиқ (қора) ҳозирги тенденциянинг 2030 йилгача давом этиб боришини кўрсатиб, 2030 йилдан кейин янада пасайишининг (қизил) давом этиши, барқарорликни (тўқ сариқ) сақлаб қолиш ва тиклашга (яшил) эришиш кутилади [10]. Глобал даражадаги, айниқса, минтақавий МЭТХлар тизимининг географик ва экологик жиҳатдан репрезентативлик даражаси юқори эмас, шунингдек, БЛХни сақлаб қолишда муҳим бўлган ҳудудлар муҳофазаси учун қўлланилаётган кўплаб мезонларни ҳам қониқарли, деб бўлмайди. Шунинг учун, табиатдаги ҳар бир муҳофаза объекти табиатни сақлаш ва тиклаш учун «макондаги ва замондаги ўзига хослик» мезонларига мос келиши керак [4]. Замондаги ўзига хосликни аниқлаш сиёсатчилар, тарихчилар ва экологларнинг зиммасида бўлса, макондаги ўзига хосликни аниқлаш географлар ва геоэкологларнинг вазифаси ҳисобланади. Мазкур ёндашувларда табиат каркасини

сақлаб қолишга эътибор қаратилган бўлиб, ландшафтларда табиий ва антропоген элементларнинг ҳудудий бўлинишини қонуний тавсифлайдиган «ландшафтларнинг қутбланиши»га асосланади [3,11; 4; 11,99].

Бу борада Н.А.Соболев (1999) «Табиатга антропоген босим қанчалик ортиб борса, МЭТХлар тизимининг кенгайиши ва ривожланиши ҳам унга мос ҳолда ўсиб бориши кераклигини ҳамда бу нуқтаи назарни «Реймерс-Штильмарк қоида» деб таъкидлайди. Мазкур қоида ҳозирги кунда ўз исботини топганлигини 1-диаграммадан кўришимиз мумкин. Масалан, дунё миқёсида МЭТХларнинг сони ва эгаллаган майдони йилдан йилга ортиб бормоқда. Кейинги 50 йил давомида МЭТХлар сони 20 мартага, майдони эса 13 мартага ортган. БМТнинг маълумотларига кўра, 2018 йилга келиб МЭТХларнинг сони 238,563 та, майдони эса 46,414,431 км² га тенг бўлиб, қуруқлик юзасининг 14.87% ни, сув акваториясининг 7.27% ни ташкил этмоқда [13,40].



1.3.1-диаграмма. МЭТХларнинг сони ва эгаллаган майдонининг йиллар давомидаги ўзгариши (UNEP-WCMC, 2018).

М. Deguignet [14] томонидан келтирилган манбадаги карта-схемада Марказий Осиё давлатларида МЭТХлар барча тоифаларининг эгаллаган майдони 5% дан кам кўрсаткич билан баҳоланган. Масалан, дунё мамлакатларида I ва II тоифаларига мансуб МЭТХлар улуши 1% дан 9 % гача тўғри келади (Россияда 2%, Германияда 3.7%). Ўзбекистон Республикасида эса бу кўрсаткич 1.93% га тенг. МЭТХлар улушининг дунё мамлакатлари бўйича тақсимланишига бир қатор омиллар таъсир кўрсатади: мамлакатнинг ер фонди ва унинг таркиби, географик ўрни, давлат бошқарув шакли, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш даражаси, экологик сиёсати ва бошқалар. МЭТХлар тизими миллий қонунчиликда муҳофазага олинган ҳудудларнинг ҳуқуқий белгилари ва функционал вазифаларининг хилма-хиллиги, аҳолининг турмуш тарзидаги миллий анъаналар каби бир қатор омиллар таъсирида шаклланиб боради.

Кейинги йилларда тадқиқотчилар томонидан МЭТХ сифатида ташкил этилган алоҳида ҳудуд ёки нуқталли объектлар табиат муҳофазасини тўлиқ таъминлай олмаслиги асослаб берилмоқда. Бундай муаммони ҳал қилишда «Барқарор ривожланиш учун таянч ҳудудлар» тамойили бўйича ёндашув зарур эканлигини дастлаб географлардан бири А.А.Тишков (2016) томонидан асослаб берилган. А.А.Тишковнинг (2016) фикрича, барқарор ривожланиш ҳудудларининг

асосий функцияси муҳит ҳосил қилувчи бўлиб, табиат, аҳоли ва хўжалик ўзаро боғланган маконда транзит ёки транзит-тўпловчи режимга эга бўлган элементлар орқали табиатдаги ҳаракат ва ўзгаришларни тартибга солиш зарурдир.

«Барқарор ривожланиш учун таянч ҳудудлар» ёндашувига мувофиқ, МЭТХ тизими глобал даражада экотизимларни сақлаш функциясини бажариши учун уларнинг репрезентативлик даражасига эътибор қаратилади. Бундай ёндашувдаги асосий шартлардан бири экологик каркас сифатида МЭТХларнинг ягона тизимини шакллантириш бўлиб, минимал даражасида популяцияни сақлаб қолиш бўлса, максимал даражасида эса минтақадаги БЛХни сақлаб қолиш ҳамда ҳудуднинг барқарор ривожланишини таъминлаш даражасигача кўтаришдир. Шунинг учун кейинги йилларда алоҳида ҳудудларда МЭТХларни ташкил этиш бўйича ёндашувдан табиатни бир бутун ҳолатда муҳофаза қилиш концепциясига ўтилмоқда.

А.А.Тишков [15,8-9], S.Graeme ва R.Craig [16,1709-1717] ўз тадқиқотларида, МЭТХлар тизимини ривожлантириш истиқболи мамлакатда ижтимоий-иқтисодий ва экологик соҳаларнинг интеграциялашуви билан боғлиқ эканлигини асослаб берганлар. Яъни, бу жараён ички ва жаҳон бозорининг иқтисодий (шу жумладан, хом ашё) конъюнктураси, мамлакатда табиатни муҳофаза қилиш ва бошқа гуманитар мақсадларнинг устуворлиги ҳамда

МЭТХлар тизимининг халқаро экологик тармоқларга интеграция бўлиш имкониятлари билан белгиланиши тушунтириб ўтилган. Демак, табиатни муҳофаза қилиш масалалари мамлакатнинг барқарор ривожланиш дастури ва режалари билан интеграцияда бўлсагина, ўз ечимини топади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 11 июндаги 484-сонли «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегияси тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда МЭТХлар майдонларини мамлакат ҳудудининг 12 фоизига етказиш устувор вазифалардан бири сифатида белгиланган [17]. Мазкур Стратегияда белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, МЭТХлар тизимини такомиллаштириш бўйича концепция ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

БЛХни ҳамда экологик барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ тадқиқотларда қўлланилаётган кўплаб мезонларни ҳам қониқарли, деб бўлмади. Шунинг учун, МЭТХлар тизимини қуйидаги мезонлар асосида такомиллаштириш мумкин: репрезентативлик–минтақага хос бўлган

ландшафтларнинг барча хусусиятларини қамраб олиши; типиклиги–эталон ҳудудларни, яъни ўзига хос экотизимларнинг мавжудлиги; ноёблиги–муяйн ҳудуд учун жуда кам учрайдиган табиий комплексларни қамраб олиши; флора ва фаунанинг ноёб турларига бойлиги; майдон катталиги–у ёки бу табиат зонаси ҳудудига нисбатан мос келиши; ижтимоий-иқтисодий аҳамияти–маданий мерос объектлари ва диний аҳамиятга эга объектларни, шунингдек, эстетик ва рекреацион хусусиятларга эга бўлган ҳудудларнинг МЭТХлар тизимига киритилганлиги.

Юқоридаги талабларнинг бажарилиши минтақада МЭТХлар функционал жиҳатдан яхлитлигини таъминлашга ва экологик каркасини шакллантиришга имкон беради. Барқарор ривожланиш концепцияси ва тамойилларига кўра, МЭТХлар маҳаллий, минтақавий ва халқаро даражада аҳамиятга эга бўлган экотизимларни ҳудудий жиҳатдан қамраб олиши керак. МЭТХлар тизимидаги бир бутунлик унинг ҳар томонлама устунлигини таъминлайди ҳамда минтақанинг БЛХнинг табиий ҳолатини сақлаб қолиш билан бирга, улардан барқарор фойдаланиш учун шарт-шароит яратади.

Адабиётлар:

1. Доклад WWF «Живая планета 2018. Стремиться к большему» https://wwf.ru/upload/iblock/2fe/lpr_2018_summary_ru.pdf.
2. Урсул А.Д. Становление устойчивой цивилизации: новые глобальные цели // Философия и общество. 2016. № 1 (78).
3. Sepp K., Kaasik A. Development of National Ecological Networks in the Baltic Countries in the framework of the Pan-European Ecological Network. IUCN Office for Central Europe. Warsaw, August-2002.
4. Тишков А.А. «Характерное пространство» и «характерное время» как ключевые категории биогеографии // Известия РАН. Серия географическая, 2016. - № 4.
5. Нарбут Н.А. Устойчивое развитие территории: роль экологического каркаса // Вестник ДВО РАН. 2019. № 1 (203).
6. Доклад Всемирной комиссии по вопросам окружающей среды и развития «Наше общее будущее». 1987.
7. Miklós L. et al., Ecological Networks and Territorial Systems of Ecological Stability. © Springer International Publishing AG, part of Springer Nature, 2019.
8. Дурбанский аккорд: Материалы Пятого всемирного конгресса по особо охраняемым природным территориям. Пер. с англ./Отв. Ред. Ю.Л.Мазуров – М.: Институт Наследия, 2004.
9. UN. Report for the UN secretary-general “An action agenda for sustainable development”. 2014.
10. Mace, G. M. et al. Aiming higher to bend the curve of biodiversity loss. Nature Sustainability 1: 448-451, (2018).
11. Осипов А.Г. Теория и практика интегральной оценки пригодности земель природных ландшафтов для аграрного и рекреационного освоения: дисс. ... док. геогр. наук: 25.00.26 Осипов Алексей Георгиевич. –Санкт-Петербург, 2016.
12. Соболев Н.А. Предложения к концепции охраны и использования природных территорий // Охрана дикой природы. – 1999.
13. UNEP-WCMC (2018). 2018 United Nations List of Protected Areas. Supplement on protected area management effectiveness. UNEP-WCMC: Cambridge, UK.
14. Deguignet M., Juffe-Bignoli D., Harrison J., MacSharry B., Burgess N., Kingston N. (2014). 2014 United Nations List of Protected Areas. UNEP-WCMC: Cambridge, UK http://unepwcmc.org/system/dataset/file_fields/files/000/000/263/original/.
15. Тишков А.А. Сто лет методологии территориальной охраны природы России (к 100-летию заповедного дела). Известия Российской Академии Наук. Серия географическая. 2017; (1):
16. Graeme S. Cumming and Craig R. Allen. Protected areas as social-ecological systems: perspectives from resilience and social-ecological systems theory. Ecological Applications, 27(6), 2017.
17. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг «2019-2028 йиллар даврида Ўзбекистон Республикасида биологик хилма-хилликни сақлаш стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Қарори N 484. 11.06.2019 й.